

А Ж Р И М

(Жазо ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақида)

2026 йил январь ойининг 28 куни жиноят ишлари бўйича Норин туман судининг очиқ сайёр суд мажлиси Норин тумани, “Дўстлик” МФЙдаги “Ёшлар маркази” биносида бўлиб, судья Т.Мелибоев раислигида, судья ёрдамчиси Д.Назаровнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси туман прокурорининг ёрдамчиси Б.Махмудов, маҳкумаа „.....“нинг иштирокида, Норин туман ИИБнинг маҳкумаа „.....“ни ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақидаги тақдимномасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Мингбулоқ туман судининг 2025 йил 29 октябрдаги ҳукмига кўра,

..... 1983 йил 17 январда Норин туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оиласиз, муқаддам судланмаган, Норин туманидаги “Технобай сет” МЧЖда ишчи, Наманган вилояти, Норин тумани, “Янги Наманган” МФЙ, Янги хаёт кўчаси, 15-уйда яшовчи,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайнланган.

Тақдимномада, „.....“ тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини 2 ойини ўтагани, яшаш жойидан ижобий тавсифлангани, суд томонидан юклатилган мажбуриятларни бажариб келаётгани, қайта жиноят содир этмаганлиги ва маъмурий жавобгарликка тортилмагани, ахлоқан тузалиш йўлига кирганлигини инобатга олиб, жазонинг ўталмай қолган қисмидан муддатидан илгари шартли озод қилиш сўралган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандида, маҳкума ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жинояти учун, суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаб бўлганидан кейин жазо ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши мумкин деб кўрсатилган.

Суд, прокурорнинг тақдимномани қаноатлантириш тўғрисидаги фикрини, маҳкума „.....“нинг тушунтиришини тинглаб, иш ҳужжатларини атрофлича муҳокама қилиб, Норин туман ИИБ тақдимномасини қаноатлантиришни лозим топади.

Суд, юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423, 536, 542-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг



73-моддасига асосан

А Ж Р И М Қ И Л А Д И

Норин туман ИИБ тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Маҳкума „.....“ жиноят ишлари бўйича Мингбулоқ туман судининг 2025 йил 29 октябрь кунги ҳукми билан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмай қолган 4 (тўрт) ой қисмидан муддатидан илгари шартли озод қилинсин.

„.....“ муддатидан илгари жазодан озод қилинган даврда ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиш мажбурияти юклансин.

Ажрим ижро қилиш учун Норин туман ИИБ га юборилсин.

Ажримдан норози томон мазкур суд орқали Наманган вилоят судига хусусий тартибда шикоят ёки протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

Т.Мелибоев

